

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Хайр ва саховат байрами бўлиш муборак Ийд ал-Адҳо — Қурбон ҳайитининг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўлладан беҳад мамнунман.

Аллоҳ таборак ва таолодан бу қутлуғ айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, дўст халқингизга ва мусулмон умматига хайру барокот ато этишини тилаб қоламан.

Айёмингиз муборак бўлсин.

**Муҳаммад Хусний МУБОРАК,**  
Миср Араб Республикаси Президенти.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни изҳор этаман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ҳамда ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, дўст ва қардош Ўзбекистон халқига ҳамisha омонлик ва фаровонлик тилаб, энг эзгу ниятларимни йўлламан.

**Аҳмет Неждет СЕЗЕР,**  
Туркия Республикаси Президенти.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Қутлуғ Қурбон ҳайити кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини табриклайман.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига фаровонлик ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

**Сайид Муҳаммад ХОТАМИЙ,**  
Эрон Ислам Республикаси Президенти.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Бутун мусулмон уммати муборак Қурбон ҳайитини нишонлаши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига Малдив Республикаси ҳукумати ва халқининг қутловлари ҳамда ўзининг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўлламан.

Ушбу қувончли кунда Қодир Аллоҳ барча ислом уммати-га тинчлик ва бирдамлик, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, бирор халқингизга эса улкан тараққиёт ва доимий фаровонлик ато этсин.

**Маъмур АБДУЛҚАЮМ,**  
Малдив Республикаси Президенти.



### Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

Суратқаш Абдувоҳид Тўраев (Ўза) тасвирга туширган бу дилбар, гўзал, фаршамансоз қизларга шу кунларда юртимизнинг каттаю кичиги, ёшу қариси маҳлиё, ҳайрат ила боқишди. Аввало, исмларига эътибор беринг-а — Зебунисо, Гулнозабону, Малоҳатхон, Гулжамолой, Шаҳлохоним, Диана... Хайра-

тингизини оширадиган яна бир томони, уларнинг донолигию зукколиги, ташаббускорлигию ноёб истеъдоди. Адабиётга, санъатга ошуфтанигини айтмай-сизми? Гузал шеърлари, ҳаёлингизни қочиргувчи ҳикоялари, жўшиб қуйлаган кўшиқлари, теран фикрлари, хорижий тилларда бийрон-бийрон сўзлашлари

уларнинг ноёб иқтидор эгаси эканини аён этади-қўяди. Бу ширин-шакар қизларнинг ниятлари, орзу-умидлари осмон қадар. Иқтисодчи, шифокор, дипломат, ўқитувчи... Ва яна аллақанда мутахассисликларнинг номини айтади «Келажакда ким бўлмоқчи?» деган саволингизга. Балки, уларнинг ўз тенгдошларидан ажралиб туришининг сабаби, ҳали ёш бўлса-да, шундай муътабар мукофот эгаси бўлишларининг босиси ҳам шунданлир. Қатрада қуёш акс этганидек, уларнинг ҳар бирининг юрти, Юртбошига садоқати, миннатдорчилиги мана шу мамнун чеҳраларидан аён. Гўё улар бир овоздан

**Биз кучли, билимли, доно бўлаемиз. Хайратда қолдириб бутун жаҳонни. Биз, албатта, бахтли, бахтли бўлаемиз. Фарзандимиз ахир Буюк инсоннинг даятгандек...**

## Президентнинг Ислам университетига тўқраси

Мазкур ҳада рамзий маънога эга бўлиб, мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистон халқининг миллий кадриятларимизни қайта тиклашга, дунё илми, маданиятини тебратган буюк алломаларимиз хотирасини эъзозлашга, уларнинг ўлмас гоҳларини ҳозирги ва келажак авлодларга мерос қолдиришга қаратилган хайрли ишлар эътирофини англатади.

Жамиятимизда кечаётган маънавий янгиланиш жараёни диний манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда

**Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент ислом университетида катта шодиёна. Муборак Қурбон ҳайити арафасида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг тўқраси — Тунис давлатида чоп этилиб, мазкур мамлакат Президенти Зайн ал-Обидин бин Али томонидан Ўзбекистон халқига юборилган 30 жилдги Мусхаф Шариф университет талабаларига сақлаш учун тақдим этилди.**

ислом дини кадриятларини кенг тадқиқ этиш жаҳонда қўра ташкил этилган Тошкент ислом университетида талабалар дунё динлари, диншунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологияси каби мутахассисликлар бўйича таҳсил олмақда. Ислам тарихи, фалсафаси, диний қарашларга оид манбаларни илмий таҳлил ва тадқиқ этиш, халқимиз қўлида сақланган осори атиқаларни тўплаш ва илмий ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида университетда «Манбалар хазинаси» ташкил этилган. Бу хазина мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган қўлёзма ва нодир китоблар билан бойиб бормоқда.

Тадбирда Ўзбекистондаги хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз саволлари қониқарили жавоблар олди.

Президентимиз номидан топширилган ушбу ҳада ислом аҳкомларини янада кенг ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз, Тўққанчи қабул қила туриб, университет талабалари ёшларга доимий ғамхўрлиги учун Юртбошимизга уларнинг чексиз миннатдорликларини изҳор этилди.

**(ЎЗА).**

### САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

#### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Гузаратдаги кўплаб қурбонларга сабаб бўлган ва катта вайронагарчилик олиб келган зилзила муносабати билан билдирган ҳамдардликнингиз учун Сиздан гоят миннатдорман. Ушбу табиий офат қурбонлари ҳақидаги самимий сўзларингиз ва Ўзбекистон халқи ҳамда ҳукуматининг сажийлик билан кўрсатган ёрдами бизни тўққинлаштириб юборди.

Зилзила катта қўламдаги вайронагарчиликка сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун тезкор чоралар қўрилимоқда ва кенг мексели тиклаш ишлари олиб борилаётган.

Жаноби олийлари, Сизга чуқур эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

**Атал Бихори ВАЖПАИ,**  
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири.

## Қўшма корхона — ўша манфаат

**Маълумки, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислам Каримов нутқ сўзлаб, юртимизда ислохотларнинг боришини жиждий таҳлил қилибгина қолмай, ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларни ҳам батафсил кўрсатиб ўтдилар.**

Мажлисида иқтисодиётимиздаги қатор муаммолар орасида экспорт ҳажмининг ошириши, халқаро бозорга чиқиши, валюта сиёсатини эркинлаштириши, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириши, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар, бутловчи қисмларни ўзимиздаги мавжуд хомашёдан ишлаб чиқаришни кенгайтириши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу муаммо-

ларни муваффақиятли ҳал этиш йўлидан бири, шубҳасиз, қўшма корхоналар ташкил этиши ва уларнинг фаолиятини раҳбариятнинг таъкидлаганидек, бугун инвестицияларни излаб топиш, бўлгуси сармоядорлар билан алоқа ўрнатиш, қўшма корхоналар очилиш, сармоядорлар учун қўлай шарт-шароит яратиб бериш — ҳукуматдан тортиб ҳўжалик юритув-

чи субъектга — ҳаммамизнинг умумий ишимизга айланиши лозим.

Нима учун ягона иқтисодиётда икки, баъзан эса бир неча мулк эгаларининг манфаати уйғуналади? Чунки шундай ишлаб чиқариш турлари борки, уни бир киши ёки бир жамоа ва корхона эглай олмайдилар. Бировда маблаг бўлса, иш кучи ёки хомашё етишмаслиги мумкин. Бундай шартларда биров инвестиция, янги техника ва технология билан, иккинчи томон эътиборда мавжуд бошқа омиллар билан ягона ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади. Натижасида улар ҳар икки томон ўртасида мувофиқ ра-

вишда тақсимланади. Ишлаб чиқариш битта, манфаат ва самара иккита — бу ҳар икки томонни қаноатлантиради.

Қўшма корхоналар моҳиятини белгилайдиган мезонлар борми? Қандай корхоналарни қўшма корхоналар сирасига киритиш мумкин? Ўнда қилиб айтганда, турли мамлакатлар капиталини умумий мақсад йўлида бириктириб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимида узвий боғланган, ягона тебдорлигини асосида иш олиб борадиган ҳўжалик турини қўшма корхона, деб аташ мумкин.

**(Давоми 2-бетда).**

**Александр МЕДВЕДЬ,**  
уч қарра Олимпиада, етти марта жаҳон чемпиони:

— Ўзбекистонга олдин ҳам келганим. Ун беш йилча бўлди ҳамаси. Кеча Тошкент аэропортида самолётдан тушибим билан бу юртда катта ободончилик ишлари бўлганини сездим. Пойтахтингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Республикангизда мусобақалар юксак савияда ўтказилиши ҳақидаги таърифларни эшитган, бир келиб куришини ният қилганим. Мана, бугун бешинчи турнида қатнашяпман. Беллашуи ҳақиқатда дунёвий даражада ўтказилаётти. Ташкилий масалалар бўйича бирон муаммо йўқ. Транспорт хизмати, меҳмонхона, овқатланиш, боринг-ки, кутиб олишгача ҳаммаси мақтаулиқ. Турнир «Юнусобод»дай гўзал спорт саройида бўлиб ўтаётганидан мамнунман. Бу ерда нафақат халқаро турнир, ундан-да катта мусобақаларни ўтказиш мумкин. Уйлайманки, Ўзбекистон ана шундай беллашуларга ҳам ўзинга хос тарзда мезонлик қила олади. Бунинг учун барча имконият яратилган. Дилшод Мансуровга ўхшаган истикболли ёшларингизнинг Олимпиада уйинлари голиби бўлишини чин дилдан тилаб қоламан.

**Александр КАРЕЛИН,**  
уч қарра Олимпиада чемпиони, Россия давлат думаси депутати:

— Спортда голибликка элтувчи кўплаб омиллар бор. Бахт-омад деймиз, шижоат, маҳорат деймиз. Лекин уларнинг орасида интилиш, тинимсиз ҳаракат алоҳида аҳамият касб этади. Мана, шу интилиш тўғрисида республикангиз элтувчи кўплаб омиллар бор. Бахт-омад деймиз, шижоат, маҳорат деймиз. Лекин уларнинг орасида интилиш, тинимсиз ҳаракат алоҳида аҳамият касб этади. Мана, шу интилиш тўғрисида республикангиз элтувчи кўплаб омиллар бор. Бахт-омад деймиз, шижоат, маҳорат деймиз. Лекин уларнинг орасида интилиш, тинимсиз ҳаракат алоҳида аҳамият касб этади. Мана, шу интилиш тўғрисида республикангиз элтувчи кўплаб омиллар бор.

**Озод БЕК,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Мамлакатимизда Ер юзида Душанба хабарлари

### «Авлод» ишга тушди

Қарши шаҳрида подвал-нотижорат ташкилотини «Авлод» маркази ташкил этилди. «Авлод» маркази АҚШ тараққот агентлиги (ЮСАИД) нинг «Вирко интернет-школа» ташкилотини орқали молиялаштирилган гранти ҳисобидан очилган. «Туркистон-пресс» мухбирининг хабарига қўра, марказнинг асосий мақсади ёшлар ва аёлларнинг фаолиятини ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ислохотларни амалга ошириш жараёнига оидий фуқароларни жалб этишдир.

«Авлод» маркази яқин кунларда Қаршидаги маҳаллаларда ўқитишнинг тезлаштирилган усуллари асосида семинарлар ўтказишни режалаштирган.

### Ўзига хос танлов

Бугунги ўзбек аёли зиммасига миллий шарқона маънавиятини сақлаб қолиши ва уни янада юксак даражада давом эттириш масъулияти юклагани.

«Оналар ва болалар» йили муносабати билан Навбахор туманида лавозим кўрсатидаги аёллар ўртасида ўтказилган кўрик-танловда ана шу саволага жавоб изланди. Унда ҳўжалик, ташкилот, муассасаларга етакчилик қилаётган аёллар ижодкорлик, тадбиркорлик, бола тарбияси, ала айтиш, оила тутиши, саришталик, пазандалик, жамоада раҳбарлик ўрни бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

«Маънавият ва аёл» деб номланган бу тадбир ҳар бир жамоада аёлларнинг фаолиятини янада оширишга туртки бўлибгина қолмай, хотин-қизлар орасидан раҳбарлик лавозимларига кадрлар танлашда ўзига хос танлов вазифини ўтади.

### Швейцарияликлар ўз сўзини айтишди

Ўтган йилда кун Швейцарияда мамлакатини Европа Иттифоқи (ЕИ)га аъзо бўлиш бора-сида референдум ўтказилди. Унда аҳолининг 77 фоизи аини таклифга қарши овоз берди. Мамлакатнинг немис тилида сўзлашувчи кантонларидаги аҳолининг 85 фоизи Швейцарияни Европа Иттифоқида қўшилишига қарши эканликларини билдиришди. Бунгача мамлакатнинг қатор сўбатдонлари Швейцария ЕИга қўшилиши энг мақбул йўл эканлигини айтишмаётган эди.

### Тернерга воситачи топилди

Жаҳоннинг энг машҳур ва бой-бадавлат тадбиркорларидан бири Тед Тернер ўтган йил охирида Россиянинг НТВ телеканални акцияларини сотиб олиш нияти борлигини айтган эди. Унинг ушбу ташаббусини қўлловчи рус мулозимлари қаторида тадбиркорлари ҳам катта қизқиши билан қабул қилишди. Хатто қўлловчи россиялик ишбилармонлар Т. Тернерга аини масалада воситачи бўлиш таклифини ҳам билдиришди. Бироқ дунё бизнес олами ҳадисини олган америкалик тадбиркор мазкур масалада шошланмади. Сўнги хабарларга қараганда, Т. Тернер машҳур рус ишбилармони, йirik нефть магнати саналган Григорий Березкинни бу ишда энг мақбул номзод сифатида кўрмоқда. Агар НТВ телеканални акцияларининг энг кўп қисми «Газпром»га тегишли эканлигини ҳисобга оласак, Тернерни мазкур ишда Г. Березкинни таллаб мўжасани тўғри олганлигига амин бўлиш мумкин.



**Бизнинг Мустақилликдан қарзимиз кўп. Бунга ҳар биримиз дилдан ҳис қилмоғимиз ва ҳеч бўлмаганда ўнгадан битта қарзимизни узмоқ шикоятда уқмоғимиз, ўшмоғимиз, касб-хунар ағалламоғимиз ва меҳнат қилмоғимиз шарт.**

**Бизнинг Мустақилликка шукронамиз кўп. Бунга ҳар қандамда, ҳар лаҳзада тил билан эмас, қалб билан айтимоғимиз шарт.**

**Мустақиллик тўғрисида ўзимизга қайтиб, бой тарихимизга эғаллик қила бошлайлик. Қадим қадриятларимизни тикладан ва юксалтириб. Рамазон ва Курбон ҳайитлари халқ байрами сифатида расман дам олиш кунини деб эълон қилинган.**

## МУРОДБАҲШ КҶН

Қурбон ҳайит ислом динида энг катта байрамлардан бўлиб, йил ҳисобидаги зулҳижжа ойининг 10-куни нишонланади. Бу вақтда рўза ҳайитидан кейин 70 кун ўтган бўлади. Ушбу вақт даставвал Мухаммад пайғамбар томонидан белгиланган.

Қурбон ҳайити бир неча номларга эга. Арабларда у «Ям ал аzzo» (қурбонлик кунини, аzzo — қурбонлик қилинадиган ҳайит), «Йил ал аzzo» (қурбонлик қилиш байрами), «Йил ал-кабир» (катта байрам) деб аталади. Эрон, Афғонистон, Урта Осиё ва Шарқий Туркистонда «Йилди Қурбон» ва «Қурбон ҳайити» деб аталган. Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешда эса «Барк иди» дейилган.

Ўзбекистонда одатда уч кун давом этадиган Қурбон ҳайитининг иккинчи нўми кичик ҳайитдир. Бу байрамнинг тўб моҳити ҳаж маросими билан боғлиқ. Моддий имконияти бор, соғлиғи йул машаққатларига чидам бера оладиган ҳар бир мусулмон умрида бир марта ҳажга, яъни Макка зиярати-га бормоғи ва у ерда ўзига ҳос қатор ибодат маросимларини бажармоғи лозим. Бу ҳақда Қурбон қарим Оли Имрон сурасининг 97-оятда шундай дейилади: «Қолиб бўлган ки-шиларга Аллоҳ йўлида ҳаж уйи (Қаьба) ни зиярат қилиш фарз қилинди...»

Шуролар даврида Қурбон ҳайит диний сарҳитинг бир қуриниши сифатида таъйиққа учраган ва унга қарши фаол тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Одамлар ҳайитни ҳадик билан кутардилар.

Бугун мустақил юртнинг эркин фуқаросимиз. Арафа кунини қўни-қўнига бемалол ўш улшамиз, янги кийим-бошлар киямиз, кичиклар ва кексаларга ҳайитлик берамиз. Ота-онаниму яқинларимиздан ҳабар оламиз. Қўнига олмақ ва қўнига қўтармоқ ҳам савобдир деган экан бир доншманда.

Ҳайит бизнинг маънавий қадриятимизга айланб бораёт- тир. У қадр-қиммат, меҳр-оқибат байрами шаклида ҳаётимизга сингиб бормоқда.

Бугун — ҳайитнинг биринчи кунини, дам олиш кунини. Ҳаммамизда бу дунёга меҳмонимиз, ғаниматимиз. Келин, барча-барчани ширин сўзу илиқ табассум билан сийлайлик. Бемор қариндош, дўст, қўнидан ҳол сўрайлик. Меҳрибонлик уйларига ташриф буюрайлик. Бунинг-да иложи бўлмаса, яхши ният қилайлик. Чунки ҳайит — муродбахш кун. Муродимизни ҳосил, тилагимизни ижобат қилгуслиди!

Ҳайитингиз муборак бўлсин, азиз юртининг азиз одамлари!

**Гулҷеҳра ЙҮЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» муҳбири.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўпчилик мамлакатларда чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган корхоналар миллий иқтисодиётни ривожлантиришда сезиларли аҳамият касб этмоқда. Қўшма корхоналарни тадқиқотчилар орасида «иқтисодийдаги сиам эгизаклари» эки шун-

ташкил этишининг метёрй-хуқуқий асослари яратилди.

Улар асосида «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида» (1991), «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» (1995), «Чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари ва кафолатлари тўғрисида» (1998), «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида» (1996), «Хориждан

Фақат ўтган йилнинг ўзи-дагина нометалл қувурлар ишлаб чиқаришга иктисослашган «Хобас-ТАПО», сантехника жи-ҳозлари ишлаб чиқарувчи «Ўзметана-сантехника», Анди-жонда чарм маҳсулотлари тай-ёрлайдиган «Олтин дери», ўкув дафтарлари тайёрлайдиган «Ишк» қўшма корхоналари ишга туширилди. «Қорақўлт-екс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси қурилиши ниҳонига етмоқда. Ҳозирги кунда қўшма корхоналар халқ

билан алоқаларнинг узилб қолганлигини ёки фаолият турини ўзгаришмоғи экан-лигини баҳона қилдилар. Бўлса бордир. Аммо бундай ўта муҳим ва долзарб юмуш илгаридан лухта ўйланган, ҳисоб-китоб қилинган бў-лиши керак. Олдин рўйхатдан ўтиб, кейин ишга киришиб бўлмайдди. Акс ҳолда, жи-дий истиқболни йўналиши-ни обрўсизлантириб қўйиш ҳеч гап эмас.

Айрилмак иқтисодий фа-


## Қўшма корхона — ўша манфаат

лаҳлиқнинг сабаби сифати-да хўжалик юритишдаги қийинчиликларни, ходимлар маалақсининг паст даражада эканлигини рўқач қилиша-ди. Шундай ҳам дейлик. Аммо унда ҳар йили юзлаб янги қўшма корхоналарнинг рўйхатдан ўтаётганлигини қандай изохлаш мумкин? Бу чет эл инвесторлари учун мамлакатимизда қулай тар-тиб қарор топганлигидан да-рак бермайдими? Қўшма фа-олият юргизиш ҳаракатида юрганларнинг сони озми?

Қўшма корхоналар фа-олиятини рағбатлантириш мақсадида айрим тармоқлар бўйича давлат протекционизм, яъни ички бозорни ҳимоялаш сиёсатини амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ҳисоблайди-ганлар ҳам йўқ эмас. Бу сиё-сат ҳуқуқларининг бир неча йилга импорт товарларига юқори божнона ва солиқ ставкасини белгилаш орқа-ли амалга оширилиши мум-кин. Бу вақт ичида маҳал-лий қўшма корхоналар му-қобил ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, рақобатбор-дор маҳсулот етказиб бе-ришига эришиши зарур.

Аммо бундай нуқтаи назар-ни бутунлай тўғри, деб қабул қилиш хато бўлур эди. Гап шундаки, мабодо шун-дай сиёсат юргизилмайдиган бўлса ҳам, у жуда қисқа вақтга мўлжалланган бўли-ши лозим. Чунки бу тадбир иқтисодий «дангасалик»ни келтириб чиқариши, «иссиқ-хона самарасини сунистеь-мол қилишга олиб келиши мумкин. Агар бу вақт ичида «эгизаклар» оёққа туриб оломаса, келгусида ташқи бозор у ёқда турсин, мамла-кат ичкарисинда ҳам ўз ма-ҳсулотларини ўтказишга қо-қорил бўлмай қолмиши ҳеч гап эмас.

Яна бир масала. Товар ва хизматлар тақлифи ҳали тизилб бўлмаган шароитда бевосита моддий неъматлар яратилмайдиган тармоқларда қўшма корхоналарни ташкил этишни рағбатлантириш мақса-дига мувофиқ, Моддий неъматларни қайта тақсим-лайдиган соҳаларда уларнинг қўлайлиги эса истеъмол бо-зорини янада кеншилатиш-ти, ҳолос. Шунинг учун ҳам улар, биринчи навбат-да, саноат, қишлоқ хўжали-ғи, транспорт, қурилиш тар-моқларида кенг тарқалиб, экспортга йўналтирилиб, ка-мида импорт ўрнини боса-диган товар ва хизматларни яратишга иктисослаштири- аини муллоа бўлган.



«Андижон полипропилен» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида бир кеча-кундузда сизими 20 килограммлик 20 миң дана қўп тайёрланди. Бу ерда 220 нафар ишчи-зиғалчиларнинг умумий меҳнати қўнига. Қўнғали ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилган, иш икки сменада ташкил этилган ана шундай самара бер-моқда. Тайёр маҳсулот эса ҳатто Қозғистон, Украина ва Россия каби ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам экспортга чиқарилган.

Суратларда: илгор тикувчи Озодхон Тожиқова; цехнинг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

эди. Барча қўшма корхона-ларнинг 70 фоизга яқини Россия Федерацияси ҳисса-сига тўғри келарди. Чекка ўлкаларга хомашё базаси сифатида қаралиб, амалда улар халқаро иқтисодий ҳаракат-га тортилмас эди.

Мамлакатимизда муста-қиллик тўғрисида бозор му-носабатларига ўтиш шароит-ида қўшма корхоналарнинг ривожланишига кенг йўл очиб берилди. Коммунизм-деб аталган мафкура ҳукм-ронлиғи шароитида мулкнинг фақат учта — давлат, кооператив ва шахсий ша-клига йўл берилиб, уларнинг бир-бирлари билан бевоси-та қўшиливи мушкул эди. Давлат мулки айрим ҳоллар-да кооператив мулк билан қўшилиши мумкин, лекин улардан бирининг шахсий мулк билан интеграцияла-шувида асло йўл қўйиб бўлмамас. Чунки бу ҳолат ўша вақтдаги мафкура акидасига кўра, кишиларда хўшмуш мулк психология-сини авж олдириши, деб ба-ҳоқлар эди.

Ўзбекистонда хусусий-лаштириш, давлат тасарру-фидан чиқариш ишларининг кенг қўллана амалга оширилиши, мулкнинг пла-чуализм, аралаш иқтисодий-га йўл олиш чет эл инвесторларини иқтисодиётимизга қўрилайдиган асосий омиллардан бўлди. Аммо ўшундай даярининг илк бо-сқичида шаклланган қўшма корхоналар миллий иқтисодий динимиз ҳолатига жиждий таъсир кўрсатадиган дастақка айланди, деб айта олма-ймиз. Чунки бу даврда чет эл инвестициясини жалб қилиш, ишлаб чиқаришни

хоналар рўйхатдан ўтди. Улар-дан аксарияти бевосита фаоли-ят юргизиб, 267 миллиондан сўмлик маҳсулот ва хизматлар-ини яратдилар.

Фаолият кўрсатган «сиам эгизак»ларнинг энг йирикля-ри «ЎзДЭУАвто», «Кокка-кола», «Зарафшон-Ньюмонт», «ЎзДЭУ электроникс», «Қизил-қумцemente», «Қабул-Ўзбек», «Ай-Сель», «Ўздуробита», «Корам-Ко», «ЎзДЭУ Текстиль-Компани», «Алока-ДЭУ», «Ўзэксмаш», «Лок-Колор-Синтез», «Узитаймотор-хол-динг», «Мирмакс», «Самар-қанд-Прага», «Қарши-ё» ва бошқаларидир. Хўжалик юри-тишининг бундай янги шакли фаолиятга қўйилган асосий талаб — ўз валютасини ўзи қоплаш, яъни асосан экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқар-ишга йўналтирилганликдан иборат бўлди. «Зарафшон-Нью-монт», «Қабул-Ўзбек» қўшма корхоналари ўз олдига қўйил-ган талабни тўла удаламоқда-лар. «ДЭУ Текстиль», «Алока-ДЭУ» корхоналари асосан эк-спорт учун ишлаётган бўлса, «Кокка-кола», «Қизилқумце-мент» қўшма корхоналари эса ички бозорни тўлдиришга жи-змият қилмоқда. Ички бозор учун ишлаётган қўшма корхоналар-да ҳам импорт ўрнини боса-диган маҳсулотлар ишлаб чи-қариш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Мамлакатимизда қўшма кор-хоналарни ташкил этишда, ай-ниқча, АКШ, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Хиндия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Исроил, Бирлаш-ган Араб Амираликлари, Швей-цария, Россия, Украина ва Қо-зғистон инвесторларининг иштироки сезиларли бўлаёт-ганини қайд этиш жоиз.

Бормоқда. Айнқиқса, енгил, озиқ-овқат, қора ва рангли ме-таллургия, электротехника са-ноатида қўшма корхоналарнинг ўрни сезиларли бўлмоқда. Агр-осаноат мажмуасининг қайта ишлаш тармоқларида уларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Кеч-чуп ва томаат пастаси ишлаб чиқаришга иктисослашган «Сайхун-пай», усимлик ёғи ишлаб чиқарадиган «Шахри-интернешнл», мева-сабзавот консерваси ишлаб чиқарадиган «Вест-Ленд-Дженерал-Трей-динг» «эгизаклар»нинг фаоли-яти бунга мисол бўла олади.

Қўшма корхоналар чет эл капиталини жалб қилишининг энг самарали шаклларидан би-ридир. Уларнинг фаолияти, ав-вало, иқтисодийда структура-вий ўзгаришларни амалга оши-ришга, техник қайта жиҳозлаш ва юқори технологияни жорий этиш асосида хўжалик жараё-ни йўналиши ва устувор соҳа-ларга қўмақлаштишга хизмат қилди. Иккинчи томондан, қўшма корхоналар импорт экспорти йўналишини ривож-лантиришга қаратилган. Аммо шунга қарамастан, уларни таш-кил этиш географияси тако-милдан анча йироқ. Асосий қисми Тошкентда жойлашган. Бир қатор вилоятларда улар-нинг сони бармоқ билан са-нарли даражада ҳам, қўпгина туманларда эса ханузгача би-ронта қўшма корхона ташкил этилмаган. Боз устай, рўйхат-дан ўтган қўллуб «эгизаклар» вақтинча тўхтаб турибди. Ай-ричлар бунга шартномалар-нинг йўқлигини вақ қилиб кўрсатсалар, яна бирлари мо-лиявий қийинчиликни, жиҳоз ва хомашёларнинг етишмасли-гини, бошқалари эса инвестор

**Нурислам ТҶЛИЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессори.**



Суд-ҳуқуқ соҳасининг ислоҳ қилиниши «Проку-ратура тўғрисида»ги қонунни яна бир бор кўриб чиқишни, янги лойиҳа тайёрлашни тақозо қилди. Қонун лойиҳаси амалдаги қонундан фарқи ўлароқ, прокура-тура фаолиятини ташкил қилиш, унинг вазибалари, ҳуқуқий йўналишларини ўзида муҳасамлаштирған-ни ва чуқур таҳрир қилин-гани билан алоҳида ажралиб туради. Шу ўринда тақлиф-мулоҳаза-ларимни ҳам билдирмоқ-чиман.

Лойиҳаниннг 23-моддаси учинчи тилган ёки тайёрланаётган жиноят-лар ҳақида ариза ва ҳабарларни қабул қилиш,

## Банкур ва мижозларга қулайлик

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида банк ходимлари ва мижозларга яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда «Заминбанк»нинг Пайшайба бўлими учун икки қаватли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туман табириқорлари маблағи ҳисобида барто этилган ушбу мақсатнинг барча хоналари замонавий аппарат ва ускуналар билан жиҳозланган. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, банкка келган мижозлар 2-қаватдаги «Маиший хизмат уйи» ходимлари хизматида ҳам фойдаланишлари мумкин.

СУРАТЛАРДА: банк ходими Бувё Турев мижоз Феруза Давроновага хизмат кўрсатмоқда; «Замин-банк» бўлими янги биносининг ташқи кўриниши. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

## Қонун лойиҳаси — муҳокамада АДОЛАТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижро этилаётганлигини ҳар ойда камида бир марта текширилади», дейилган. Фикримча, ушбу модданин «таблабри» жумласидан сўнг «қай даражада» сўзи киритилиши лозим. Чунки амалдаги Жиноят Процессуал Кодексининг мазкур 382-модда, 4-қисмига мувофиқ содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳал этиш тўғриси-

даги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётган-лиги ҳар ойда камида бир марта текширилади.

Бундан ташқари, лойиҳа-нинг 41-модда, учинчи хатбосида прокуратура органлари ходимларига ҳар йили муддати ўттиз кален-дарь кундан иборат ҳақ тўланадиган таътил берили-ши кўрсатилган. Бунда «ҳақ тўланадиган» жумласи ортинчда, деб ҳисоблайман. Чунки Ўзбекистон Респуб-ликаси Меҳнат Кодексида «Ҳақ тўланадиган меҳнат таътили» деган тушунча

йўқ. Балки, Кодексининг 133-моддасида барча ходимларга иш жойи ҳақида ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили меҳнат таътили берилиши оқиб-ойдин кўрсатиб қўйилган.

Янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ҳам барча қонунлар сингари, адо-латта, фуқароларнинг хотиржам ҳаёт кечириши-га хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Олим НАРЗУЛЛАЕВ, ТДИО талабаси.**

ятли йўли — адибларимиз қандай оғир шароит, вазият-ларда яшаб ижод этгани, ўшандай замоналарда ҳам асл инсоний қимматларини сақ-лаб қолгани, ноёб бадий дурдоналар яратишга эриш-гани тўғрисида ҳаққоний та-саввур беради. Китоб муал-лифи улкан алломаларни қуруқ ҳимоя қилиш, улар шаънига ҳамду санолар ёға-риш йўлидан бормайди,

**Ўзувчи суратига чизилар**

Она юртимизда истиқлол эълон қилинганда атоқ-ли адибимиз Саид Аҳмад 72 ёшда эди.Кекса бўлишига қарамай у ҳаммаи пол қолдириб, худ-ди ёшлардек энг шимариб гайрат-шижват билан ижодий ҳаьда ижтимоий фаолиятини давом эт-тирди. Чин бадий истёждоқ кексаликни тан ол-майди, деган нақлни адибимиз амалда исбот эта-тирди. Истиқлол арафасида Шинжон сафарини му-стақно этганда Ватанидан ташқарига чиқмаган адиб

Ҳиндистон, Америкага сафарлар қилди,оьатда-гидек она юртни кезиш-да давом этди, сафар та-ассуротлари, истиқлол йилларидаги ўзгаришлар ҳақида кўплаб мақолалар, очерклар ёзди. Мустақил-ликнинг қувончли қула-рида ҳам, ғанимлар кут-қуси тўғрисида юрт боши-га тушган қайғули дам-ларда ҳам ҳаммша қат-тиб билан бугунги истиқлол фидоийларининг ол-динги сафида турди. Оксोक адбининг турли ан-жуманларда, радио ва телевидениедаги чиқиш-ларида топиб айтган ҳар бир образли, доно сўзи халқ қалбига етиб боргани, оғизга тушганига ўзи-миз гувоҳ...

Адиб аввалгидек қувнок, жўшқин ҳажвоналар, ўйчан, гамгин, фожей, айни лайт-да, дилбар лирик ҳикоялар яратишга давом этди. Би-рини-кетин «Хандон лист», «Бир ўпчининг баҳоси», «Йўқотганлар ва топган-ларим» каби китоблари, янги сайланма асарлари чоп этил-ди. Устози Абдулла Қаҳдо-дан мерос қолган Дўрмонда-ги бог ҳовлиси тенгдош қўлакмақ дўстлари, сон-са-ноксиз шоғирларни учун ал-лақон ўзига ҳо «мажолис-ун нафос» — адабий, ҳаётий, дилшак мулоқотлар дарғоғида айланди. Унинг яратган стук асарлари қара-монлари каби ўзи, шахсия-ти, суҳбатлари ҳам гоят қизи-қарли ва аракчандир.

Истиқлол йилларида ярат-ган асарлари орасида, айниқ-са, хотиралар китоби, «Ой билан сўбат», «Қорақўз маж-нун», «Азриол ўтган йўллар-да», шунингдек, лагер ҳаёти хотиралари билан боғлиқ тур-кум ҳикоялари алоҳида аж-ралиб туради. Улар, дадил айтиш мумкинки, республи-ка адабий-маданий ҳаётида жиждий ҳодиса бўлди. XX аср яқунида ноп этилган «Йўқотганлар ва топган-ларим» китоби сал бурунроқ майдонга келган К. Қаҳдо-рованын «Чорак аср ҳаьна-



## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 6 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юртиши, шунингдек божхо-на тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қўш-идаги қийматини белгилайди:

1 Австралия доллари	176,95	1 Дания кронаси	42,12
1 Австралия шиллинги	22,79	1 БАА дирҳами	91,49
1 Англия фунт стерлинги	493,36	1 АКШ доллари	336,03
1 Бельгия франки	77,75	1 Миср фунги	87,51
1 Голландия гульдени	142,33	10 Испания песети	18,85
1 Греция драхмаси	9,21	100 Италия лираси	16,20

1 Канада доллари	217,50	1 Финляндия маркаси	52,75
1 Ҳангой юэни	40,59	1 Франция франки	47,82
10 Люксембург франки	77,75	1 Швейцария франки	204,16
1 Малайзия ринггити	88,44	1 ЕВРО	313,65
1 Германия маркаси	160,37	10 Жанубий Корея воени	2,64
1 Польша злотийси	84,32	10 Япония немаси	28,17
1 СДР	435,94	1 Россия рубли	11,73
1000 Туркия лираси	0,37	1 Украина гривнаси	61,90

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Респуб-ликasi Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда со-тиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

**"Ўздунробита" қўшма корхонаси  
жамоаси Ўзбекистон халқини**

**كۈرۋەن ھايتى**

**байрами билан табриклайди  
ва ҳаммага меҳр-муҳаббат  
ва эзгулик тилайди.  
Барчамиз баркамолликка  
интилай яшайлик!**



**UZDUNROBITA**  
DIYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN cellular

РЕКЛАМНОЕ АГЕНТСТВО А

**UZMAKOM GSM**

**«ЎЗМАКОМ»  
ҚЎШМА КОРХОНАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ  
ҚУРБОН ҲАЙИТ  
БАЙРАМИ БИЛАН  
МУБОРАКБОД ЭТАДИ.  
СИЗГА БАХТ, СОҒЛИК ВА  
ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМИЗ.**



СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ҚУТАМИЗ: ТОШКЕНТ Ш., ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ШОҲ КЎЧАСИ, 8.  
Тел: 100-00-15, 100-00-16, 173-00-15; ФАКС: (998-71) 100-98-98, 120-63-78.  
WWW.UZMAKOM.UZ

аломат онаҳонинг бу ёруғ дунёдан армон, алам-укинчлар билан видолашувига сабаб бўлган оқпадар ўғлон миллий-ахлоқий қадриятларимизни топташга қаратилган муҳиш сибсатнинг ҳам жирканч маҳсули, ҳам аянчли қурбонидир.

«Сароб» ҳикоясида бу фожий гоя янада кескинроқ ва бирмунча ошқора тарзда ифодаланади. Асардаги фожий

фожий қисматлар ҳақида ёзиш осон эмас, албатта. Дарвоқе, «Сароб» адибнинг лагер ҳаётидан олиб ёзган илк асари. Ҳикоядаги ровий — маҳбус расом ёзувчининг ўзи. Адибимиз 50-йиллар бошларида аини ҳикояда тасвир этилган лагерда бўлган, бу ҳаёти ичдан билди. Шундай бўла туриб, у нега бу ҳақда узоқ йиллар ёзмади. Эҳтимол, қўрқув салтанати

**осмонда йиллар турналар...**

Ватаннинг ўша йилларидаги манзарасини фақат Саид Аҳмадгина шу тарзда ўта миллий, жонли, бетакрор тарзда ифодалаш мумкин.

Ҳикоя яна ўша «халқ душмани»нинг қизи қуйлаган қўшиқдан олинган қуйдаги мисралар билан яқунланади:

**Сиз асир бўлган қафаси  
тишларим бирлан бўзай.  
Бузасам, маҳшар куни**

рур янграйди. Лагерда дуст тутинган ҳикоячи билан япон асири Дюн орасидаги самимий мулоқотлар, самурай Дюннинг Судзе қисмати оид афсона-ривоятнамо ҳикояси, камикадэ бурчини ўтолмаган бу йигитнинг руҳий изтироблари ва ҳалокати ўқувчини ларзага солади. Қарангки, Судзенинг онаси беназир гўзал аёл гейшлар сафига кирган экан, ватан манфаатидан келиб чиқиб шу ишни қилади, ўғли хиёнатни туғайди қувончлардан воз кечиб, роҳиблар либосини кийиб монастрга кетади. Судзе энг қувончли кунда, Ватанга қайтиш имкони туғилган дақиқаларда бурч, орномус туйғуси туғайди ўзини ҳалок этади, хаста самурай Дюн эса ватани тупроғига қадам қўйиб, қони шу тупроққа тўкилганидан таскин топиб жон беради...

# илҳомлари

воқеа — ўғил билан ота орасидаги муҳиш муносабатлар бу ёруғ дунёнинг нақ дўзахи ичида — мустабид тузум қурбонлари — маҳбуслар жам бўлган Жезқозгон лагерларидан бирида ўз интиҳосига етади. Мустабид тузумнинг миллатга қарши қаратилган рижорона кураш усулини қарангки, улар норасида ўғлондан замон қаҳрамони — Павел Морозов издошини ясаб, миллатпарвар зиёли отага қарши курашга соладилар, ота устидан керакли маълумот йиғишга эришадилар. Шу тариқа, ота — халқ душманига чиқиб ҳамқоқ олинади, унинг ўғлини эса қаҳрамонга айланиб шон-шухратга бурканади. Тақдир азалинг ҳукми, тоталитар режим ўзини оқибатини қарангки, пиروвардида «душман» ота, «ватанпарвар» ўғил лагерда юзма-юз келадилар. Қўрғуликлар, жабр-зулмлар туғайди ота юрак олдириб қўйган бўлса-да, у имон-этиқонига, виждонига гард юқтирмаган. Чекрасида ўша самимият, эқимтойлик, донолик. Ўғлон эса ногирон, аянчли, телба бир қисфода. Лагерда ҳам болаликда орттирган ҳунари — сотқинликни давом эттиради. У отасини танимайди, таниб қўрмайди... Ўғлини бу ҳолда қўриш, ота учун нақадаар оғир! Бундан-да даҳшатлиси, ўғил ота қўзи олдида минг азоб билан аянчли ҳолда жон таслим қилади, жаназасиз, бекафан қўмилади.

Бундай муҳиш ҳодисалар,

бунга йўл бермагандир, эҳтимол, муҳиш ҳодисалар ҳақида ёзиш азоби-изтироби уни қўчқитгандир. Ҳар икки тахминда ҳам асос бор, фақат мустақиллик йилларидагина вужудига «қўрқув салтанати» чекиниб, лагер ҳаётидан дадил сўз очишга журъат эта олди, ўзи учун қанчалик азоб бўлмасин, лагер ҳаётига оид хотираларни, ўша муҳиш ҳодисаларни қорозга туширишга жазм этди. «Борса-келмас дарвозаси», «Тақдир, тақдир, мунча шафқатсизсан», «Офтоб ойим» каби туркум ҳикоялар шу тариқа майдонга келди.

Ҳамдустлик мамлакатлари халқлари, биринчи галда, рус адабиётинда лагер ҳаёти тўғрисида жаҳонга машҳур асарлар бор. Ўзимизда ҳам айрим яхши роман ва қиссалар мавжуд. Тоталитар режим ҳукмрон бўлган мамлакатни ГУЛАГ оролларига, улкан саратон корпусларига қисс қилишлар булган. Саид Аҳмаднинг бу мавзудаги ҳикоялари мавжуд асарлардан баралла ажралиб туради. Аввало, улар ўзбекона миллий руҳ билан йўриланган, лагер даҳшатлари ҳеч қимниқига ўхшамайдиган, Саид Аҳмадчагина, ўзбекона бир нигоҳ билан идрок ва талқин этилади. «Борса-келмас дарвозаси»га «халқ душмани» қизининг йиғлаб айтган қўшиқдан шундай сатрлар эниграф — бош сўз қилиб келтирилди:

**Бу ватан қандай ватандир,  
ҳар гўшасида турналар,  
Қўнгани бир ер тополмай**

**бағримни армон тирналар.**

Бу байт адибнинг ушбу туркум ҳикояларидаги бошқа бир гоят муҳим жиҳатга ишоратидир. Асарларда қаламга олинган, бири-биридан муҳиш, маломатли, гам-гуссага, мусибатларга тула лавҳалар бағридан қандайдир одамга далада берадиган умид, унинг бошини «тошдан» қилдирган қудрат, зулматни еритадиган сирин-сехрили нур барқ уриб туради. Дарв шафқатсизликлари туғайди аксар маҳбуслар бешафқат, тошбағир қимсаларга айланиб кетганлар. Аини пайтда ўша бешафқат зотлар гоҳи банади оғир — инсон боласи сифатида ўзига қайтиб, дилкаш сўхбатлар қурадилар, ўз-ро ҳазил-мутоибаларга киришадилар, тошга айланган бағрилар бир дақиқа юмшаб, тулд чехраларда табасум пайдо бўлади. Ёзувчининг беназир юмористик истеъодни мусибатлар масканида ҳам қулги, ҳазил-мутоибалар учун имкон топади. Энг муҳими, деврли ҳар бир ҳикояда ўзигини, қалбидаги имон-этиқон, она-юрт, ўзгаларга ҳиммат, муруват туйғусини йўқотмаган «боши тошдан» аломат матонатли инсонларга дуч келамиз. Жумладан, асарлардаги ҳикоячи — ровий образининг ўзи ана шундай сиймоидир.

Ватан, бурчага чексиз садоқат, фидойилик туйғуси, айниқса, «Офтоб ойим» ҳикоясида бетакрор — марсиядек мунгли, аини пайтда маҳия қоби мардона ва мағ-

Умарали НОРМАТОВ.

**SovplastItal**

**«Совпластитал»**  
Ўзбек-Италия қўшма корхонаси

*Барча ўзбек халқини тугагудас  
мусулмон байрами-  
қурбон ھاити  
билан муבורакбод этади!*

*Шу кўнлуге айёмда  
Ўзбекистондаги ҳар бир оиллага  
тинчлик, хотиржамлик,  
оқибатлилик ва бахт  
тилаймиз!*



Эркин ва юнон-рум кураши



кўнғирқоқ овозидан хайратга тушимасди. Ўзбекистондан эсдалик тарзида берилган чопнинг зарли гулларига завқ билан боқишмасди.

пов(58 кг.га аталган). Дилшод сўзининг устидан чиқди. Қирғизистонлик рақиб Исмоилдин Умрзоқовни даст кўтариб ерга уриб, муддатдан олдин соф галабага эришди.

ОЛТОВЛОННИНГ ОЛТИТА ОЛТИНИ

Авал хабар қилганимиздек, 3-4 март кунлари пойтахтимиздаги "Юносубод" спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича "Мустақиллик кубоғи" учун бешинчи ананавий халқаро турнир бўлиб ўтди.

тайёргарлик кўрганлиги сезилиб қолди. Шунинг учун бўла керак, вазн тоналари бўйича беллашувларнинг финал қис-



Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Халқаро ҳаваскор к у р а ш ч и л а р а с с о ц и а т с и я с и ( F I L A ) ш а ф е л и т и о с т и л д у н е бўйича бир юз элликдан ортиқ мусобақалар ўтказилди. Шундан бештаси уларнинг энг сараси, яъни "Гран-при" туркуми ҳи с о б л а н а д и . Кувончиси шундаки, "Мустақиллик кубоғи" ташкил этилишининг тўртинчи йилиқ ана шу туркумдан муқим ўрин олди.

Минга кўпроқ ана шу давлатлар вакиллари йўлланма олишди. 54 кг. вазн тоналарида эркин курашчилар финал баҳсида ҳамюртимиз Дилшод Мансуров ва Маулен Мамуров (Қозғистон) рўбарў келишди.

Мусобақанинг савияси ҳақида гапирганда, ҳар галгидек унинг юқори даражада ташкиллаштирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шундан сўнг 58 кг. оғирлик вазнидаги финал учрашувида Ўзбекистон ва Белоруссия вакиллари тилмага чиқилди. Истеъодли спортчимиз Дамир Захардинов Александр Карпинскийни қўшимча вақтда мағлуб этиб, биринчилиكنи қўлга киритди.

Аслан Санакоев(85 кг.)нинг грузинлик таниқли полков Тамаз Земешидзе курагини ерга теккизиши мамлакатимиз тарма жамоасига учинчи олтин медални туҳфа қилди. Мухлис-лар ҳайриятини айтинг. Бу олқишлар голиб сифатида майдонни тарк этётган Асланга ва мен ҳам рақибимни чирпирак қиламан, деб гиламга чиқишга чопланган тажрибали юнон-рум курашчимиз Дилшод Ори-

Мамлакатимиз тарма жамоасига олтинчи олтин медални яна бир иқтидорли юнон-рум курашчимиз Евгений Ерофайлов тақдим қилди. Евгений қозғистонлик Абдулла Жабронловнинг қаршичилигини синдиригунча анча тер тўкишига тўғри келди. Аммо унинг вазиятни аниқ баҳолай билиши соф галаба қилишига имкон яратди.


Озод РАЖАБОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«КЕЙС НЬЮ ХОЛЛАНД» КОМПАНИЯСИ

сизларни кириб келаётган баҳор байрамлари билан муборакбод этади.

Улуғ айём - Қурбон Ҳайит кунларида ҳаммаларингизга сизат-саломатлик, бахт-саодат, барча сабъ-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Шу муборак заминда яшовчи ҳар бир хонадон аҳлига тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилаймиз.



ХИҚМАТ
Агар яхшилик кимга афёлдур,
Жазоси аниг санжи иқболдур.

2 мартдаги жумбоқнинг жавоби:
Ушбу чиқиқ қалам теккисмасдан ва қирқмасдан кичрайтинг деб, тахририятимизга йўллабди Тошкент шаҳар Бектемир туманида истиқомат қилувчи Асатилла Холмирзаев.

Туяқуш фермаси
Руминияда туяқуш боқиш оdatта айланмоқда. Икки нафар румин фермери Белгиядан 9 та туяқуш ва 32 полагонни сотиб олган эди.

ЭЪЛОН
КОРХОНА, МУАССАСА, ҲУҚУВ ЮРТЛАРИ, ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАР, БАРЧА ИДОРА РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Унутилгани нақд 21.000.000 \$
Паришонхотирликда тоқилма керак. Масалан, Тоқно полицияси ўтган йилда 1,56 миллион марта аҳолининг ўз буюмининг йўқотиб қўйиши билан боғлиқ ҳолисани рўйхатга олди.

ЭЪЛОН
КОРХОНА, МУАССАСА, ҲУҚУВ ЮРТЛАРИ, ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАР, БАРЧА ИДОРА РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Фаройиб «юлдуз»лар
Танланган 9 та фил эстрада-нинг ҳақиқий «юлдуз»ига айланади. Қобилияти филлар хартурлари билан мусиқа асбобларини чалишни ўрганиб олган.

Пахта Банк акциядорлари диққатига!
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»
ўз акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик ҳисобот йиғилишини ўтказлади.

«ХАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ, М. ЕГОРОВ, Ш. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ, Ҳ. ҚОШИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2215, 32643 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

НАВБАТЧИ КОТИБ — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — М. НОРМАТОВ.
Мусахҳиҳ — Ш. МАШРАББОВЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилди — 20.15
1 2 3 4 5 6